

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 6 апрель, чоршанба

№ 28 (11.727)

Эркин нархда сотилади

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**ДЕҲЛИ, 5 апрель.** (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни Деҳли марказидаги «Раштрапати Бхаван» майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари кўтарилиб, мадҳиялари янгради. Ислам Каримов шарофига фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи мустақиллигининг асосчиси Махатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюриб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президент Ислам Каримов «Ҳайдаробод саройи»да Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди. Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.

Ислам Каримов ва Манмохан Сингх раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Ҳиндистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

Томонлар ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳолини таҳлил этиб, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олди. Ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, икки томонлама манфаатли, самарали соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мудофаа вазириликлари, савдо-саноат палаталари, банклар, таъшиқотиқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Президент Ислам Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Тож Маҳал» қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Натвар Сингх билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Ҳиндистон мудофаа вазири Пранаб Муқержини қабул қилди. Сўхбатда ўзаро харбий-техникавий ҳамкорлик, аксилтеррор ҳаракатлар юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Камол Нат билан мулоқотида са маамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳалар таяёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислам Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шехават билан ҳам учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлигига, парламентлар ўзаро алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.



## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

Ўтган душанба куни вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг Қуролли Кучлар сафига чақирув манзилда йигитларнинг дастлабки гуруҳи ҳарбий хизматга тантанали кузатилди.

— Баҳорги чақирув жиддий танлов асосида ўтган, — дейди капитан Алишер Раҳимов. — Қуролли Кучлар сафига хизматга чақирилган йигитлар мустақам соғлиқ билан бир қаторда муайян интеллектуал салоҳиятга ҳам эга бўлишлари керак.

Тиббий кўриқлар давомида уларнинг руҳий ҳолатлари чуқур ўрганилмоқда. Танлов барча жараёнларда тест усулида ўтказилган. Ахир, чегарани кўриқлаш шунчаки хизмат эмас, бу жуда жиддий иш.

Аскар йигит ҳар хил синаотларга тайёр туриши ва ниҳоятда мураккаб вазиятларда ҳам оқилона ечим топа олиши керак.

Ниҳоят, майдон узра ҳарбий мусика садолари янгради. Йигитлар сафларга тизилишди. Ота-оналар фарзандларини умид ва ишонч билан кузатиб қолди. Шу ерда ҳозир бўлган офицерлар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари уларга оқ йўл тилашди.

Собир МУТАЛОВ. СУРАТДА: истеъфодаги генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев Қуролли Кучлар сафига хизматга чақирилган йигитларга совғалар топширмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

— Ўз тарихида 15 та конституцияни бошидан кечирган Франция таърибидан келиб чиқиб шунга айтиш мумкин, парламентаризм узоқ ва оддий бўлмаган тикланиш жараёнини ўтади, — дейди Франция парламенти Миллий мажлиси депутати, Лавур шаҳри мэри, Франциядаги Ўзбекистон дўстлари ассоциацияси вице-президенти Бернар Карайон. — Парламент фаолиятининг сифати барча ҳокимият бўғинларининг баҳамжихат ва амалий ҳамкорлигига боғлиқ. Хали икки палатали парламент шаклланишдан туриб Тошкентда Сенатнинг ажойиб баноси бунёд этилгани менда алоҳида таассурот уйғотди. Бу Ўзбекистоннинг демократик жамият қуриш йўлидаги ниятлари жиддий эканидан далolat беради.

Феруза ҲУЛОМОВА, «Жаҳон» АА.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ДЎСТЛАРИ

Франциядаги Ўзбекистон дўстлари ассоциацияси ҳаётининг республикамизга таърифи якунланди.

Шу йилнинг февраль ойида ташкил этилган ҳамда ўз сафларидан Франция расмий, ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакилларини бирлаштирган ассоциация фаолияти ушбу мамлакат жамоатчилигини Ўзбекистон тарихи, маданияти ва бугунги ҳаёти билан таништиришга қаратилган. Унинг аъзолари иқтисодий, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги икки томонлама иш-

таларни ривожлантиришга кўмаклашишмоқда, турли кўргазма ва анжуманлар ташкил қилишга ёрдам беришмоқда.

Мамлакатимизга ташриф буюрган ҳайъат таркибини Франция парламенти сенаторлари ва депутатлари, турли шаҳарлар мэралари ташкил қилишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлиб, парламентаризмни ривожлантириш таърибидан ҳақиқат сўзлаб беришди, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан танишишди.

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Бозордан бирор нарса харид қилмоқчи бўлсанг, аввало, унинг ёрлигига қарайми. Зебрани эслатувчи ҳар хил келгидеги йўл-йўл чиқиқлар ва белгиларга кўзимиз тушади. Аммо улар нимага кўзимизни жалбағдиришга қарайми. У маҳсулотнинг халқаро маркази — махсус штрихли коди ҳисобланади. Унга қараб, маҳсулот ва ишлаб чиқарилган корхона, мамлакат ҳақида ахборотлар олиш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг штрихли кодлар билан маркалаш урф бўла бошлади. Бу усул товарга, унинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиларига нима беради? Умуман, товар ҳақида маълумот беришчи бу замонавий усулни қўлдан олиш асосий мақсад нимадан иборат? Ютуқ ва муаммолар-чи? Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси Камолжон Шодиметов билан сўхбатимиз ана шу ҳақида бўлди.

Товарларнинг штрихли кодлар билан маркалаш тизими қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилган ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат? — Бу тизим товар маҳсулотларини рақамлаш халқаро уюшмаси — EAN томонидан ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ушбу андозани жорий этиш «EAN UZBEKISTAN» ташкилотига юклаган. Штрихли кодларнинг иккита асосий вазифаси бор. Биринчиси ёрдамида буюм тавсифи, таърифи ва идентификациялаш рақамини штрихлар ёрдамида осонгина кодлаш ва исталган товар ҳақидаги ахборотни қиритиш мумкин. Натияжада, корхоналар,

соҳалар ва мамлакат тўлалигича балансга келтирилиб, бошқариш таъминланади. Иккинчидан, штрихли кодлаш орқали кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчига товар етказишда юзага келадиган муаммоларни самарали ҳал этиш имконияти кенгайтирилади. Аммо биз, истеъмолчилар ҳамма вақт ҳам штрихли кодлар товар ишлаб чиқарувчи ва товарнинг ўзи ҳақида бизга қанчалар ахборот бераётганини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Турган гапки, улар, энг аввало, ишлаб чиқарувчиларга катта иқтисодий фойда келтириш, уларнинг нуфузини ошириш вазифасини ўтади, шу

(Давоми 2-бетда).

## «УЙҚУДАН ҚАЧОН УЙҒОНАСИЗ?»

Газетанинг шу йил 2 апрелдаги сонига юқоридаги сарлавҳа остида chop этилган мақолада Чиноз тумани марказидаги бир қатор кўча ва ҳибдонлар, Ишчилар шаҳарчаси ҳамда У. Юсупов номи истироҳат боғидаги ноҳус манзаралар, тартибсизликлар танқид қилинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан туман ҳокими Турсунбой Комиялов имзоси билан жавоб хати олди.

Мақтубда таъкидланганича, «Ободонлаштириш ва кўчаларнинг айланиши» деб эълон қилинган март ойи давомида бир неча ўн минглаб тул меваги ва манзарали дарахт, шунингдек, турфа гул кўчатлари экилди. Кўча ва йўлақлар, хиббон ва истироҳат боғ-

лари ҳамда қабристонларни ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш мақсадида умумхалқ ҳашарлари уюштирилди. Жавоб хатида ободонлаштириш ва кўчаларнинг айланиши оғирлиги ҳамда қабристонларни ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш мақсадида умумхалқ ҳашарлари уюштирилди. Жавоб хатида ободонлаштириш ва кўчаларнинг айланиши оғирлиги ҳамда қабристонларни ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш мақсадида умумхалқ ҳашарлари уюштирилди.



## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ТЎҚСОН ОИЛАГА ЯНГИ УЙ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви, қасаба уюшмалари қўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий Ҳимоялашни, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда. Металлургиянинг меҳнат, дам олиш, яшаш шароитларини яхшилаб бориш ҳамisha уларнинг диққат марказида.

Бекобод шаҳрининг 14-даҳасида 90 оилага мўлжалланган беш қаватли янги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Электр билан пўлат эритиш, навли прокат, автомобиль, темирйўл, мартен цехлари ва бошқа бўлимларда узоқ йиллардан бунён меҳнат қилиб, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодиётини мустақ-

камлашга ҳисса қўшаётган турли касб эгалари бу уйлارга кўчиб қирдилар. Пўлатни узлуқсиз қўйиш қурилмаси оператори Дилмурод Норқўзиёв, мартен цехи эритувчиси Олимжон Раҳмонов, 1-таъмирлаш-механика цехи кран машинисти Сафарали Усаровларнинг оилалари ҳам янги уйли бўлдилар.

Турсунали УСОНОВ.

## ТУМАНДА ЭНГ НАМУНАЛИ

Қишлоқ ва маҳаллалардаги ижтимоий-сиёсий ҳамда диний-маънавий муҳитни соғломлаштириш жойлардаги фуқаролар йиғинларида иш юритиб турган диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда.

Уларнинг хайрли ишлари қўламини янада кенгайтириш, билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган тадбирларнинг кўпайётгани айнаи муҳим ҳисобланади.

Кибрай туманидаги «Байтўғрон» ширкат ҳўжалиги маданият саройида ўтказилган «Намунали маслаҳатчи» кўрик танлови ҳам айнаи шу мақсадни кўлаб ташкил этилди. Танловнинг ҳудудий босқичларида тумандаги етмишга яқин маҳалладаги фаол аёллар беллашув шартларига кўра сараландилар. Туман миқёсидаги яқин босқичда эса 7 нафар маҳалла маслаҳатчиси тўрт шарт бўйича ўз таърибига ва кузатувлари, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, диний соҳалардаги саводхонликларини намойиш этди. Улар томонидан тайёрланган ҳаётда бот-бот учраб турадиган турмуш иқир-чиқирлари ва зиддиятлари, уларни ҳал этишда маслаҳатчилар иштироки ва фидойилигини акс эттирувчи саҳна кўришлари барчада яхши таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида Байтўғрон қишлоқ фуқаролар йиғинидан Дилором Салимова туманда энг намунали маслаҳатчи деб топилди. Шунингдек, Кибрай шаҳарчасидаги Зебунисо маҳалласи вакили Маъжуда Хидирова, Ёнарик қишлоғидаги Тарақий маҳалласидан Муқаррам Улугованинг фаолиятига юқори баҳо берилди.

Намунали маслаҳатчиларга танловнинг асосий ташаббускорлари бўлган туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатлари туман бўлимининг махсус эсдалик совғалари тортқб этилди.

Шерали ҲАЙРАТОВ.

## Қарор ва ижро

### МАЙСА ЗАВОЛИ — ДОННИНГ УВОЛИ

Дон — ризқ-рўзимиз, тўқинлик ва фаровонлик манбаи. Шу боис нурунийларимиз дуога кўл очганида, сўйинг бўғдойга тўлсин», дейди. Меҳмон ҳам энг аввало нон билан сийланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш учун йилга тўрт миллион тоннадан кўпроқ дон этиштириш лозим. Кейинги йилларда уюлаётган галла хирмони беш миллион тоннадан ортмоқда. Галла муқтақиллиги пойдевори тобора мустақамланаётган.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг галлачиликни ривожлантириш борасида курсатаётган ғамхўрлиги натижаси ўлароқ, бошқили дон экинлари майдони йилдан-йилга кенгайиб, ҳосилдорлик ортиб бораётган. Айнаи вақтда мамлакатимизда бир миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ерда галла этиштириляётган. Бу 90-йиллардагига қараганда беш баравар кўпдир. Уш вақтда ҳосилдорлик ўртача 20-22 центнердан ошмаган бўлса, ҳозир бу рақам 50-55 центнердан кам эмас. Бу кўрсаткич янада салмоқли бўлиши мумкин. Фақат бунинг учун бепарволик, хусусан, пайхонгарчилик оқибатида далаalarda этиштириляётган ҳосилнинг муайян қисми нобуд бўлишининг олди олиниши зарур. Қуриляётган чора-тадбирларга қарамай, ўз орва-

лар ва ердан фойдаланувчи бошқа мутасаддиларнинг масъулияти ва жаобгарлигини янада ошириш талаб этилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бир квадрат метрдаги майсада камида 700-750 донна бошққ ўсади. Бошққнинг оғирлиги бир грамм бўлса, пайхон қилинган бир квадрат метр экинзорда етти юз-сақкиз юз грамм дон нобуд бўлади. Бир гектар ерда эса бу рақам 70-80 центнерга етди.

Хисоб-китобларга қараганда, бир киши йил давомида тахминан юз килограммдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари истеъмол қилади. Бир тонна бўғдойдан 750-800 килограмм нон чиқариши ҳисобга олсанг, пайхон бўлган бир гектар майдонда нобуд қилинган ҳосил ўртача оиланинг бир йиллик ризқига тенглашиб қолар экан.

Ҳозир жойларда галла баравж ривожланишда суғориладиган ва лаликор майдонлардаги майсаларнинг қуддан-қунга буй тортаётгани бу йилги ҳосилнинг мўл бўлишидан дарак. Пайхон ва исроғарчиликларнинг пайи қирқилса, галла хирмониимиз ҳар қачонгидан юқори, дастурхонимиз янада тўқин бўлиши тайин.

Олим НОРБЕКОВ, ЎзА шарҳловчиси.

● 2005 йил – Сихат-саломатлик йили

# ШИФОКОРЛАР МАҲАЛЛАЛАРДА

Юқоричирик туман соғлиқни сақлаш бўлими Сихат-саломатлик йили дастури доирасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Сихат-саломатлик» бригадаси ташкил этилди ва акушер-гинеколог, терапевт ва ҳамма кўлайликларга эга бўлган «Тез тиббий ёрдам» машиниси билан таъминланди.

Шифокорлар жадвал асосида маҳаллаларда бўлиб, туғиш ёшидаги аёл ва қизларни тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар. Аниқ ташхис қўйилиб, касалликлари аниқланган кишиларни шифохонага ётқизиш чоралари кўрилади.

Бу тадбирлар Истиклол, Жамбул номида қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли маҳаллаларда уюшқоқлик билан ўтказилди.

ИНОГОМ ХОЛТУРСУНОВ.

# «ҚУРУВЧИ»НИНГ ТУҲФАСИ


Оҳангарон шаҳри марказида 12 минг аҳолига мўлжалланган шифохона фойдаланишга топширилди. Ушбу бино «Қурувчи» фирмаси томонидан қайта ташкирланди.

«Сихат-саломатлик йилида кўпгина хайрли ишларни амалга оширишни мўлжаллаб қўйганмиз, — дейди бош шифокор Нурия Турсунова. — Қисқа вақт ичида битказилган янги шифохона қўрилишига 48 миллион сўм сарфланди. Шаҳарлик беморлар энди даво истаб узоққа бормайдилар. Уларни шинам ва ёруғ хоналарда малакали мутахассислар қабул қиладилар.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

Ҳозирги кунда республикада бир юз йигирмадан ортиқ махсус мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Уларда, асосан, турли тўғма касалликларга чалинган болалар тарбияланмоқда. Табиийки, педагогика соҳасида таълим-тарбия жараёнида бундай болаларга алоҳида ёндашув талаб этилади.

# ТАРБИЯДАГИ ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ



Пойтахтда бўлиб ўтган «Махсус мактабгача таълим муассасаларида иш мазмуни, шакли ва услуби ҳамда педагогик ёндашуви такомиллаштириш» мавзусидаги республика илмий-амалий семинарида шу ҳақда сўз юритилди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Психологлар, педагог-дефектологлар ва олимлар иштирок этган семинарда таъкидландики, ҳар томонлама баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан биридир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида бу йўналишда қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Семинарда сўзга чиққанлар тиббий ёрдамга муҳтож болаларни тарбиялаш алоҳида ёндашуви талаб этишини қайд этдилар. Энг муҳими, бу ёндашув пухта ўйланган, фойдали, соғломлаштирувчи ва мазмуни бўлиши керак.

Шунингдек семинарда махсус мактабгача таълим муассасалари моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

# КИТОБ — АҚЛ ЧИРОФИ

Республика давлат болалар кутубхонаси 250 минг нуسخадан кўпроқ китоб хазинасига эга. Мазкур маърифат масканининг хизматидан йилга 12 мингдан зиёд китобхон фойдаланади.

— Соғлиғи заиф, меҳмуруватга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари қалбида китобга меҳр уйғотиш, уларга ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмаклашиш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидандир, — деди кутубхона директори Ф. Бухорова. — Бу борада бир қанча жамо-

ат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳаллалар, корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Пойтахтимидаги «Sanvikt» ногирон болалар бадий маркази ана шундай ҳамкорларимиздандир.

Кутубхонада Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ташкил этилган хайрия та-

бирига мазкур ижодий марказ аъзолари, кам таъминланган оилалар фарзандлари тақдир этилди. «Китоб — ақл чирофи» мавзусидаги мулоқотда кутубхона хазинасида сақланаётган адабиётлардан самарали фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар, китобнинг инсон камолотидаги ўрни хусусида сўз борди.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

● Таълим ва ислохот

# МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР ЕТАРЛИМИ?

ёки вилоятда нима учун олий маълумотли педагоглар камайиб бораётганлиги хусусида

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори эълон қилинганига бир йил бўлди. Ушбу пайтда вилоятимидаги умумтаълим мактабларининг саксон беш фоизи, яъни 763 таси қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларнинг 70 фоизидан машғулотлар икки сменада, айримларида у сменада олиб бориладилар. 35500 нафар ўқитувчиларнинг 30 фоизи олий маълумотга эга эмасди. Вилоят ҳокимлиги Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурига мувофиқ белгиланган бир қатор вазифаларни тезкорлик билан амалга оширди. Жумладан, қисқа вақт ичида 897 та мактабнинг қайси бири реконструкцияга, капитал ёки жорий таъмирлашга муҳтож эканлигини аниқлаш билан бирга уларнинг моддий-техника базаси, инчимлик суви билан таъминлаш ҳолати, ошхона, спорт зали ёки майдончалари, компьютер техникаси билан қандай таъминланганлиги ва замонавий кутубхона фонди ҳолати ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартарф этиш режалари белгилаб олинди.

Маълумки, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мuddати тугайди. Дастурнинг бу босқичи учун белгиланган асосий вазифалардан бири таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали мутахассис кадрлар билан тўлдиртишдир. 2004 йилда вилоятимида олий маълумотли кадрлар 70 фоиз, шу жумладан, Покент ва Чиноз туманларида 67 фоиз, Оҳангарон туманида 63, Паркент туманида 62,2, Бекobod туманида эса 54 фоиз эди. Яъни 1997 йилга нисбатан уч фоизга камайган.

Айни кунда ҳудудимида энг танқис мутахассис чет тили ўқитувчиси бўлиб қолмоқда. 2003-2004 ўқув йилида вилоятимида жами 1829 нафар хоржик тиллари ўқитувчиси ишлаб, бу умумий талабнинг 81,5 фоизини ташкил этган, яъни шу йили 415 нафар мутахассис етишмаган. 2004-2005 ўқув йилида бу курсатқич 81,7 фоизни ташкил этиб, яна 404 та чет тили ўқитувчисига эҳтиёж мавжудлиги аниқланган.

Малакали мутахассислар етишмаётган фанлардан яна бири физикадир. 2003-2004 ўқув йилида вилоят бўйича 1346 та ўринда 1167 нафар физика ўқитувчисига эҳтиёж сезилган. Шунингдек, бу йилга эҳтиёж биология бўйича 80,7, химия бўйича 81,2, тарих бўйича 89, география

бўйича 97,1 фоиз қондирилган. Кейинги икки ўқув йилида вилоятимида умумтаълим мактабларида ўқув фанларини олий маълумотли мутахассислар билан таъминлашда мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик, бошланғич таълим, рус тили ва адабиёти фанлари бўйича силжиш руй берганлиги қувонарли. Бирок бу олти фан бўйича ортиқ даражадаги мутахассислар ўқитувчи етишмайдиган аниқ фанлардан машғулот олиб бориладилар. Айниқса, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий-маданий интеграция сари интилаётган XXI асрда пойтахт вилоят мактабларида эртанги кунимизни белгилайдиган ёшлар учун 400 дан ортиқ малакали педагогик ходимларнинг етишмаётганлиги ачинарли ҳол.

Тошкент вилоят Давлат педагогика институтида 5679 нафар талаба таълим олмақда. Бу ерда ҳозир бошланғич таълим методикаси, тарих, филология, хоржик тиллар, тиббиёт-география, математика ва касбий таълим, сиртки таълим, махсус сиртки таълим деб номланган мутахассисликлар бўйича педагоглар тайёрланади. Аммо, уларнинг барчаси вилоятимида мактабларида фаолият юритмайдилар. Негаки, битирувчиларнинг 30-40 фоизи бошқа вилоятлардан келган. 2003 йилда ТВДПИни тамомлаган 582 нафар талабадан 300 нафари (63 фоиз) вилоятимида вақиллари эди. Бу курсатқич йилдан-йилга Фарғона водийси вилоятларининг фойдасига ортиб бормоқда. Шартнома асосидаги қўшимча квоталар учун эса асосан вилоятимида вақиллари ариза билан мурожаат қилмоқдалар.

Кейинги беш йил ичида институтда таълим олган вақилларимиз сони 65 фоиздан 53 фоизга тушган. Қолган 12 фоиз ўринни ўзга вилоятларнинг вақиллари эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг курсатмасига биноан 2004 йилда вилоят педагогика институтининг махсус сиртки факультетига қабул квоталарининг сони 756 тага етказилди. 2003 йилги қабул жараёнида бу рақам бор-йўғи 181 тани ташкил этганди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўртабосимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан мактаб таълимини ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни жонқурлик билан амалга ошириш, айниқса, вилоятимида ёшларнинг чукр билимли, нафақат вилоят ва пойтахт олий ўқув юртларининг, балки чет эллардаги таълим муассасаларининг грантларини ҳам эгаллай оладиган даражада тарбиялаб етиштириш барчамизнинг муқаддас вазифамиздир.

Исомиддин ЁРМАТОВ, Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг филология факультети декани.



# БОЛАЛАР СПОРТИ ҲОМИЙСИ

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланаётган ишбилармонлар сифида ёшлар ҳам қўлай бормоқда. Чунки, мамлакатимида мулкдор бўлишга аҳд қилган фуқароларга янги-янги имтиёзлар берилляпти, тобора қулай имкониятлар яратилляпти. Натижада тадбиркорлик соҳасида ўз ўрнини топётган ва мавқеини тобора мустаҳкамлаётган ёш ишбилармонлар етишиб чиқмоқда.

Республика Президентини соврини учун яқинда ўтказилган «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг вилоят босқичида бу яққол кўзга ташланди. Ёш тадбиркор Равшан Тўраев «Болалар спортини

● Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ривожлантириш» йўналиши бўйича голиб бўлди. Уртачирчиқлик Раҳмон Тўраев раҳбарлик қилаётган кичик тадбиркорлик тузилмаси дастлабки йилданок спорт, хусусан, унинг болаларга мўлжалланган тармоғига хизмат қилишга киришди. Тузилмада ишлаётган чеварлар асосан, волейбол, футбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис каби спорт ўйинлари либосларини тикишди. Раҳбар билан бирга уч нафар тикувчи ва айрим касаначилар ишлашига қарамай, ўтган йили товар обороти 12 миллион сўмга етди.

Шуниси тақдирга сазоворки, бу ерда барча кийим-кечаклар, айниқса, кўплаб фойдаланиладиган трикотаж газлаамалари маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Тадбиркорлик корхонаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг 16 ёшгача бўлган ўсмирлар футбол мусобақасида қатнашган ўзбекистонлик жамоаларни спорт кийимлари билан таъминлади. «Матонат» ўйинлари катнашчиларига ҳам кийим-кечаклар ҳада қилинди. Бундан ташқари, бир қатор кол-

лежларга теннис кийимлари тарқатилди. Тадбиркорлик тузилмаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Уртачирчиқ туман филиалининг бош ҳомиёси ҳисобланади. Жамоа болалар спорти бўйича ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, керак бўлса маблағ билан ҳам ёрдам бераяпти.

— Болаларга мўлжалланган турли спорт кийимларига талаб бундан буён ҳам ортиб боради, — дейди Равшан Тўраев. — Шунинг учун ишлаб чиқаришимизни янада кенгайтиришни назарда туяялмиз. Аввало, тузилмани фирмага айлантиришмоқчимиз. Ҳозир шу мақсадга тезроқ эришиш учун саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордик. Бу бизга ўз махсулотларимиз билан хорижга чиқиб унун қулай имконият яратди. Айни вақтда чет элик касбдошлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин бўлади.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТДА: ёш тадбиркор Равшан Тўраев (ўнгда) спорт кийимини намойиш қилмоқда.

# «ЯНГИЙЎЛ» ОАЖ АГРОФИРМАСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 1 апрелда Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказилиб, акциядорлар реестрини 2005 йил 5 апрелдан ёпиш ва жамият акциядорларининг умумий йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Жамият акциядорларининг умумий йиллик ҳисобот йиғилиши 2005 йил 7 май куни соат 10 да Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 143-уйда ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9 да бошланади.

## Кун тартиби:

1. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқини ҳамда 2005 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2004 йил учун даромад ҳисоботини ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 2004 йил аудитор текшируви хулосаси.
5. 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
6. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамият уставига ўзгартиришлар киритиш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
9. Бошқарув кенгаши раиси ва унинг аъзоларини қайта сайлаш.
10. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

## «Янгийўл» ОАЖ агрофирмасининг 2005 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси

№	Номи	Актив	Пассив
1	Асосий воситалар	341654	
2	Номоддий активлар	3893	
3	Капитал қўйимлар	49413	
4	Узоқ мuddатли инвестициялар	19587	
5	Ишлаб чиқариш заҳиралари	1877715	
6	Тайёр махсулотлар	87992	
7	Дебиторлар	283124	
8	Бошқа активлар	109063	
9	Устав капитал		186574
10	Заҳира капитал		252570
11	Таксимланмаган фойда		85647
12	Максадли молиялаштириш тушуллари		118485
13	Келгуси давр даромадлари		643586
14	Кредиторлар		219230
15	Узоқ мuddатли қарзлар		236771
16	Кредиторлар		1029579
<b>Баланс жами:</b>		<b>2772441</b>	<b>1072441</b>

Кузатув кенгаши.

# МАСЪУЛИЯТ ВА СИФАТ КАФОЛАТИ

Пойтахтимидаги «Новатор» масъулияти чекланган жамиятига Германиянинг RWTVO сертификатловчи халқаро идораси томонидан сифатни бошқариш тизими жорий этилгани тўғрисида сертификат топширилди. «Устандарт» агентлигининг сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Рустам Юсуповнинг маълум қилишича, ҳозиргача ИСО 9001 халқаро стандартлари талаблари асосидаги сифат менежменти тизими сертификатига мамлакатимида фаолият кўрсатаётган кирх уч корхона ва муассаса эга бўлган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим омил бўлаётди. Айни пайтда қирқдан ортиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасида мазкур тизимни татбиқ этишга қаратилган ишлар жадал давом этмоқда. Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.

Тарих зарварақлари

ҚАДИМИЙ ХАРАЖЕТ

Қадимий шаҳарлар қачон ва қандай пайдо бўлган? Бу савол кўпчиликини қизиқтиради, албатта. Шундай шаҳарлардан бири Оққўрғон туманида жойлашган қадимги Харажкет — Қанқа бўлиб, у вилоятимиздаги энг йирик ёдгорлик. Ушбу ёдгорликнинг буғунги ҳудуди тахминан 180 гектар.

Искандар Зулқарнайн босиб олган Сирдарёнинг шарқий қисмида аздалан кўчманчи аждолларимиз яшаган бўлиб, уларни сақлаб қолган. Зулқарнайн салтанатининг энг чеккасида жойлашган бу шаҳарга Александрия номи берилган. Айнан Хужанд атрофини уша Александрия деб тахмин қилинган. Александриядан кейин яна бир шаҳар бўлган, яъни Сирдарё ортидаги Антиохия шаҳри. Олимлар бу икки ном биргина Александрияга тегишли деб ҳисоблашган. Искандардан кейин шаҳарни Антиох барпо қилгани учун шундай ном берилган экан.

Хужанд атрофини бу шаҳарга қанча-қанча фожияларни ва зафарларни бошидан ўтказган. Тарихчилар ҳақда минг йил аввал Харажкет ҳақида қандайдир сўз юритишнинг жанабуи йўналишида, Сирдарёнинг ёни-насида жойлашган.

Харажкет — савдо ва ҳунармандчиликнинг йирик маркази сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган. Утган асрнинг 40-йилларида таниқли олим-археолог Михаил Массон Тошкент воҳсининг қадимий қарвон йўллари бўйлаб қилинган экспедициясида Қанқа деб аталган ёдгорлик Харажкет эканлигини қайт этди. Қадимий манбаларда таянган ҳолда шоғирларни бу изланишларни давом эттирдилар. Улар орасида ўзбек археолог Қўрқмас Абдуллаев, Юрий Буряков, Геннадий Богомолов, Валерий Набоков ва оққўрғонлик ўлкашунослар бор эди.

Қазималар шунини кўрсатдики, энг уст-ки қатлам XII асрга оид бўлиб, айнан шу асрда шаҳарда ҳаёт тўхтаган. Изланишлар давом эттирилиб, шаҳарнинг илк қалъасига пойлевор бўлган гишлар очилди. Берма шақлидаги қурилиш тизими! Қадимий Бобилда иштиқилан бундай тизим катта қалъаларда душмандан мудофаа воситаси бўлиб, бу бизнинг эрадан олдинги 2 минг йилликда қўлланган эди. Кулолчилик ускуналари орасида IV-II асрга (милоддан аввал) оид идишлар топилди. Бундай идишлар Рим кулолчилида учрайди.

Топилган буюмлар, тангалар ва бошқа буюмлар Харажкетнинг ёшани камиди 2 минг 300 йил деб ҳисоблашга имкон берилади. Олимлар шаҳарнинг ривожланишини даврлар-давр ҳисоблаб чиқдилар. Гуллаб-яшнаган биринчи босқичи йирик Кангой давлатининг энг ривожланган даврига тўғри келади. Сомонийлар ва Қорохонийлар сулола-лари ҳукмронлик қилган даврларда (IX-XII аср бозлари) ҳам Харажкет ривожланиб, ўз нуфузи ва алоҳида ўрнига эга эди.

Археологлар буларни аниқлаб бўлгандан кейин ҳам шаҳарнинг тахминий ёшани аниқлаш билан боғлиқ изланишлар янада чуқурлашиб кетди ва олимлар иккинчи жумбоқ олдиди иккиликни қолдирди. Қисқаси, шаҳарнинг ёши 2 минг 300 асос, ундан ҳам кўпроқ. Сабаблар ва асос бор бундай дейишга, бунга асос қилиб қадимий рим ва юнон тарихчиларининг асарларида учрайдиган кўпгина тарихий фактларни олишга тўғри келди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи.



«МЕҲНАТ — РОҲАТ» ДЕГАНЛАРИ ШУ-ДА

Меҳнат қилишдан мақсад — яхши яшаш. Раҳбарлар тадбиркор, ташкилотчи, аён-ниқса, ҳалол ва одил бўлган жамоада меҳнат ҳақиқатин ҳам роҳатга айланади. Бунақа вилоятимиздан кўпбоқ мисоллар келтириш мумкин.

Хусусан, Тошкент туманидаги Мухаммадхон Фозилов номидаги ширкат хўжалиги деҳқон, бобон ва соҳибкорлари эришавтган натижалар бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийди.

Хўжаликнинг умумий ер майдони 511 гектар. Шундан 327 гектари тоқор. Энди факат умумчилик тармоғида қўлга киритилаётган ютуқларни тах-лиф қилиб кўрайлик.

Утган йили мавжуд тоқорлар 553 пудратига шартнома асосида бириктириб қўйилди.

Жинойтга жазо муқаррар

ҚОРА КУРСИДА МАШИНАФУРУШЛАР

Оҳангаронда уя қуриб олган жинойтчилар тўдаси кўлга олинди. Жинойт ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судлов ҳайъати оқиб мажлисида бу иш ба-тафсил қўриб чиқилди.

Ҳап шундаки, Оҳангарон тумани йул ҳўжалиги пудрат, таъмирлаш, фойдаланиш қорхонасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган Бахтиёр Абдусамиев атрофини йириб олиб, хизмат вазифинини суиистемол қилган ҳолда бир қанча жинойтчилик ишларини со-дор этган. Транспорт тармоқларида амалга оширилаётган ис-лохотлар тўғрисида республикада йул фонди жағмага маблаглари тўпланиб, ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустақ-камлаш қўзда тутилган бир пайт-да бу жинойтчилар ана шу хайр-ли ишлардан ҳам ўз гарази мақ-садларини амалга ошириш учун фойдаланишган.

Судланувчи Б. Абдусамиев бошқарма тасарруфидида бўли-мларга машина сотиб олиш нико-би остида давлатнинг катта пай-дага қандай расмийлаштирилган-лигини ҳасудлай олмади. Нати-жада ҳақиқий нархи 9 миллион сўмдан юқорикор бўлган автома-шинанинг нархи суний равишда оширилиб, 13 миллион 800 минг сўм деб кўрсатилди. Елғиз шу сўмга машина сотиб олиш нико-би остида давлатнинг катта пай-дага қандай расмийлаштирилган-лигини ҳасудлай олмади. Нати-жада ҳақиқий нархи 9 миллион сўмдан юқорикор бўлган автома-шинанинг нархи суний равишда оширилиб, 13 миллион 800 минг сўм деб кўрсатилди.

Елғиз шу сўмга машина сотиб олиш нико-би остида давлатнинг катта пай-дага қандай расмийлаштирилган-лигини ҳасудлай олмади. Нати-жада ҳақиқий нархи 9 миллион сўмдан юқорикор бўлган автома-шинанинг нархи суний равишда оширилиб, 13 миллион 800 минг сўм деб кўрсатилди. Елғиз шу сўмга машина сотиб олиш нико-би остида давлатнинг катта пай-дага қандай расмийлаштирилган-лигини ҳасудлай олмади. Нати-жада ҳақиқий нархи 9 миллион сўмдан юқорикор бўлган автома-шинанинг нархи суний равишда оширилиб, 13 миллион 800 минг сўм деб кўрсатилди.

Биринчи саёҳат бозори

Пойтахтимизда «Ўзбекитуризм» миллий компанияси, Савдо-саноат палатаси ва Жаҳон туризм ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси кўмағида Ўзбекистон Хусусий саёҳат ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилган «Sayohat bozori» саёҳат бижриси бўлиб ўтди.

мэнежер Елена Зиркина. — Улар, асосан, Япония, Фран-ция, Австрия, Испания, Гер-мания, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан келган саёҳатлардир. Киш фаслида ҳам ўз хизматларини муваффа-қиятли амалга ошириш имко-нини берадиган янги маҳсу-лотнинг жорий этилиши тўғрйли яхши натижаларга эришди. Янги мавсумда ўз фаолияти-мида икки саёҳатчи ривож-лантиришга ҳам эътиборини қўяйтиради.

Ж. РАУПОВ, ЎЗА мухбири.

Шанба '9.IV
«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 Республика Куролли Кучлари бадий жамоаларининг концерти.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунавар тоғ» Информацион-дам оlish дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 8.55 Иклин. 9.00 Давр. 9.25 «Мухаббат моғораси» Телесернал. 10.10 Оҳанрабо. 10.50 Таббат оламиди. 11.15 «Амир Темур ёди» 1-қисм. 12.00, 22.35 ТВ - анонс. 12.10 «Махобхорат». Телесернал. 12.55 Бона тилидан. 13.25 «Менинг қизим бор». Бадий фильм. 14.55 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.15 Интерфутбол. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси.

«Спорт»
7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Ажабтовур спортчилар». Мультифильм. 9.10 А. Макаревич «Учта дераза» дастурида. 9.40 Машҳурлар. Б. Грчевский. 10.20 Ҳужжатли фильм. 11.00 Волебол. 11.30 Каратэ. Шинкюкушин-кай. 11.50 Баскетбол. 12.20-13.20 Жаҳон спорти: «Теннис». 16.50 Кўрсатувлар тартиби. 16.55 «Хабарлар» (рус тилида). 17.10 «Аралаш». Байрам дастури. 18.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеойун. 20.00 «Время». 20.20 «Кўнгила-кўнгила пайванд». 21.00 «Хабарлар». 21.15 «Спорт клуб». 21.40 «Олтин граммофон». 22.40 Жаҳон спорти: «Евро-футбол». 00.15 «Тунингиз осуда бўлин!».

30-канал
9.00 Окртытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм деля: «Это мы не прохо-дим!» комедия 11.20 «Окно в мир» документальный фильм 11.40 Звездя ринга на «30-ми» Лучшее поединки звезд профессионального и любительского бокса 12.50 Спорт-Экстрим 13.25 «Детский час» 13.50 Индияское кино: «Азарат любви» 16.30 Боллар соати 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Ошикона» 18.30 Киновечер на «30-ми»: «Олепительный желанем», комедия 20.00 «Озгина-Соғина» - совместный проект «Сога» 20.20 Хит-парадиз 21.40 «Теле-хамкор» фойдалга газета 22.00 «Солдаты 2», сериал 23.00 «Ночной канал» - «Пассажир 57», остросюжетный фильм.

Якшанба '10.IV
«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Камалак». Боллар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Эналар мактаби». 11.20 «Эналар ва Кинмат». Бадий - мусикий композиция. 12.00 «Алифбо сабоқлари». 12.20 «Бизга мактуб йўллабсиз». 12.45 «Коракалпоқнома». 13.00 «Утган кунлар». Бадий фильм. 14.30 «Интеллектуал ринг».

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунавар тоғ» Информацион-дам оlish дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: Буш утирма. 8.55 «Бузоқча». «Чумчуқ-вой». Мультифильмлар. 9.20 Кулгич. 9.30 Очил дастурхон. 9.50 Хамкор - 2005. 10.00 Саломатлик сирлари. 10.20 Атсалтанат. 10.40 Ешлук наволар. 10.50, 16.20, 19.30 ТВ - анонс. 11.00 «Амир Темур ёди» 2-қисм. 11.40 «Қилин кирк ёриб». Интеллектуал уйин. 12.30 «Махобхорат». Телесернал. 13.15 «Ёшлар» телеканалда харбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 13.55 «Олтин». Бадий фильм. 15.20 Нитог. 16.00 Кинотакдим. 16.30 Чептион сирлари. 16.50 Ринг қироллари. 17.40 Кўрсатувлар дастури. 17.45 «Янги авлод» студияси.

«Спорт»
7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Соғлом овқатланиш сирлари». Инглиз тилида. 9.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилган қайдарлар». 9.30 «Хамма уйдалиғида». 10.10 «Кувнок стартлар». 10.45 Волебол. 11.15 Каратэ. Шинкюкушин-кай. 11.35 Баскетбол. 12.05 «Ракибингиз грое-смейстер». 12.25-12.55 «Гиннес рекордлари». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар». 17.15 «Боллар спорти». 17.35 «Саломат бўлинг». 17.50 «КВН-2005». 20.00 «Время». 20.45 «Спорт - менинг ҳаётим». 21.00 «Хабарлар». 21.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор». «Локомотив». 22.05 «Захирадаги спорт-чи». 22.25 Жаҳон спорти: «Евро-футбол».

30-канал
9.00 Окртытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм деля: «Бетховен», комедия 11.20 «Теле-хамкор» 11.40 «Дикая планета» 13.00 «Спорт-Экстрим» 13.30 Хит-парадиз 14.50 Боллар соати 15.45 Дневной кинозал: «Пассажир 57» комедия 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Музыкальная пауза» 18.20 Киновечер на «30-ми»: «Патруль времени», фантастика 19.50 «Ошикона» 20.35 «Солдаты 2», сериал 21.35 «Теле-хамкор» 21.55 «Музыкальная пауза» 23.00 Воскресный кино вечер на «30-ми»: «Игра», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

